

ТҮРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1994 йил 30 апрель • Шанба • № 33 (14194) * TURKISTAN Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Австрия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фридрих Бауэрнинг илтимосига қўра қабул қилди. — 1992 йил сентябрь ойида Австрияга қилган сафаримизни, мамлакат раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатларимизни мамнуният билан хотирлайман, — деди Ўзбекистон Президентини. — Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар муваффақиятли ривожланиб бораёти. Австрия раҳбарлари билан мулоқотларимиз Ўзбекистон мамнунд ҳам давом эттирилади, деб умид қиламан. Фридрих Бауэр самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Австрия ҳукумати Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади. Аяни пайта Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги узаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мувофиқ эканини қайд этди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасини ташқи ишлар вазирини С. Саидқосимов иштирок этди. (ЎЗА).

НАМАНГАН ШОИИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИР ГУРУХ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИНГА, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ И. П. РИБКИНГА

ОЧИҚ ХАТИ

Биз, Ўзбекистонда яшаётган руслар, сиз Президент жаноблари ва давлат думаси Россия Федерациясининг раҳбари Владимир Жириновский ва унинг ҳаммасликлари Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлмиш Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан оқиндан-оқин шовинистик фикрлар баён қилаётгани ва режалар тўлаётганига муроасоасиз билан қарайётганидан ҳайратга тушиб, ажабланмоқдамиз. Биз, бу заминда яшаётган руслар меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тинчлик, осойишталик ва миллий тотувликни таъминлашга қаратилган сиёсатини қўриб ва хис қилиб турибмиз. Биз Москвада яшайдиган жаноб Жириновскийнинг турмушимиз, ўзбек халқи билан узаро муносабатларимизга аралашганини асло истамаймиз. У ўз сиёсати ва маъсулиятсизлиги билан айтган гаплари билан халқлар ўртасига нифок солмоқда, аслини олганда, фашистлик гоиларни тарғиб қилмоқда. Биз, Ўзбекистон дёғирини ўзимизнинг иккинчи ватанимиз деб билган россияликлар, аминимизки, Россия фақат маърифат нурини, МДХ мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва тотувликни тарғиб қилди. Жириновский ўтказётган сиёсат — Россиянинг сиёсати эмас. Сизлар — халқ ҳокимиятини ишониб топширган кишилар айрим сиёсатдонларнинг беъмаъни даъволари устидан ҳақиқатнинг тантанасини таъминлайсизлар, деб умид қиламиз. Сизларга ҳурмат билан, ГАЛИЦКАЯ, АФАНАСЬЕВА, ЧЕРЕМИСКИНА, ЛОВИКИНА, ТОЛОВАНОВА, ШЕТИНКИНА ва бошқалар.

ЁШЛАР БОР ЖОЙДА СУРЪАТ БЎЛАДИ, ЭЗГУ ИШЛАРГА ЖУРЪАТ БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАННИНГ 75 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕИНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИНИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар! Иттифоқимиз аъзолари! Шаҳар ташкилотининг фахрли фаоллари! Сизларни катта шодонлик билан кутиб оламиз. 75 йиллик юбилей муносабати билан қизинг муборакбод этамиз. Мамлакатимизда ёшлар ҳаракатини уюштириш ва ривожлантиришда шаҳар ташкилотининг ўзига хос ўрни бор. Бугун биз тарихга адолат ва ҳақиқат мезонларидан келиб чиқиб, ҳолни баҳо берамиз, ўз фаолияти мобайнида пойтахт ташкилотининг том маънода катта яратувчилик ва бунёдкорлик ишларини амалга оширганлигини гувоҳи бўламиз. Айниқса Тошкент энгиласи ҳароқатларини бартараф этишда шаҳар ёшларининг кўрсатган матонати ва жасорати қанча таъсирли бўлган, шунча оз. Бугун биз бунёдкорлик даврида яшаймиз. Биз ёшларнинг ҳаракати интилимимизга кўп нарсани берилади. Айниқса, йилнинг қанчалари қанча уюшган ва ҳамжиҳат бўлиб, шунчалки хайрли ишларни амалга оширишга катта имкон бўлади. Бу борада пойтахт ташкилоти ҳаммага намуна бўлади, деб ишонамиз. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Иттифоқимизнинг XXVI қурултойига йўллаган табриғида шундай дейилади: «Буюк аجدдорларимизнинг аъёнларига садоқатли ёшлар ҳукуматимизнинг ислохотчилик талбирларида ташаббус кўрсатиб фаол иштирок этаётганлари ҳаммамиз учун қувончли. Биз меҳнатсевар, илму маърифатга чанқоқ, ўз халқига содиқ, ниймонли ва продалли ёшларимиз билан фахрланамиз». Дарҳақиқат, юртобимизнинг ушбу юксак таъкиднинг биз Сизларнинг тинимсизлигида ҳам яққол кўриб турганлигини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтмоқ лозим. Ўйлаймизки, мана шундай ташаббускорлик ва ташкилотчилик туғилари ҳеч вақт Сизни тарғ этмайди.

Муҳтарам дўстлар! Барчангизни яна бир бор кутлуг байрам билан табриқлаб, Сизларга мустақам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, бахт-саодат тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИНИ ҚЎМИТАСИ

— Ёшлар, манфаатларини ҳимоя қилганидан ташкилотининг бўлиши зарурлигини даврий ўзи кўрсатиб, бошқа мамлакатларнинг таърибисини ҳам шундан далолат беради. Ҳозирги пайта барча МДХ республикаларида бундай бирлашмалар фаол ҳаракат қилмоқда. Ҳамма гап улар ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай бажарганидир. Биз кўпгина эски андозалардан қочиб ҳаракат қилмоқдамиз. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг яқинда бўлиб ўтган XXVI қурултойида ташкилотимиз умуман ўзини даврий вазифаларини удралай олгани ҳақида гапирилди. Бу вазифалар — фаолиятнинг янги йўналишларини излаш, еш авлодининг ҳақиқий эҳтиёжлари ва муаммоларини назарда тутиб ишлашдан иборат. Чунки, мутлақо янги муносабатларга асосланган жамиятни барпо этиш вазифасини аяни ёшлар ҳал қилишлари лозим. Улар келажик буюк давлатни барпо этишлари, ватанимиз мустақиллиги ва қудратини мустақамлашлари керак. Шунинг учун ҳам республика раҳбарияти ёшларнинг ишлари ва муаммоларига катта эътибор бераётгани тасдиқ эмас.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби. Равшан АБДУҚОДИРОВ:

«ИЖОДКОРЛИК — ДАВР ТАҚОЗОСИ»

Ўргатиш зарур. Ёшларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш муаммосини фақат шу йўл билан ҳал этиш мумкин. Ижтисодиёт соҳасида вужудга келаятган янги муносабатлар кўпгина ёшларни ишлар қаторига ўтказиб қўймоқда. Улар орасида мактабни эгингани битир-макталарига эмас; турли соҳалар бўйича ажойиб мутахассислар ҳам бор. Ҳозирги вақтда шаҳар корхоналари ва ташкилотлари ажратадиган маблағни янги иш жойлари барпо этиш учун сарф-олада шаҳар ёшлар ҳамкорлиги маркази очиниша керак бўлади. Марказда оммавий тадбирлар ташкилотчилари, бизнес, маданият соҳаларидаги мутахассислар ишлайдилар. Марказ ҳузурида бир неча корхона барпо этмоқчимиз. Улар олдидан фойдаланиб бир қисми еш авлодининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга тасвирланади. Марказ ёшлар ишлари бўйича туман ва шаҳар кенгашлари томонидан тузилган дастурларни амалга ошириш лозим бўлади.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВИЛОЯТ ПЛЕНУМЛАРИ АНА ШУНДАЙ ШИОР ҚЎМИТАЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ОСТИДА УТМОҚДА

нумларда вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича муовинлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари раҳбарлари билан бир қаторда Президент Девонининг масъул ходимлари ҳам иштирок этаётганликлари бу анжуманга кўтарилган руҳ, амалий ишларни аниқ белгилаб олиш кайфиятини бағишлётганлиги бежиз эмас. Ахир ёшлар, ҳар бир на-ниҳол кўш зисидан баҳраман бўлганда бақувват ўсганидек, улар ҳам табаруқ кишиларнинг ўғитларига ҳаминша ташна, раҳбарларнинг амалий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўладилар. Шу эзгу ният амалга ошганда эса улардаги гайрат-шижоат жўш уради.

биринчи котиби Икромжон Шарофидинов маъруза қилди. Мазрузада ва музокара-да сўзга чиққан турли соҳа вакиллари бўлган йилги-қизилар, ҳоким ва раҳбарлар ви-



СУРАТДА: қабул пайти. А. ЗУФАРОВ (ЎЗА). сураги.

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲИҚМАТ ЧЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ


29 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташрифи билан келган Туркия Республикасининг ташқи ишлар вазирини Ҳиқмат Четинни қабул қилди. Ўзбекистон раҳбари Туркия ва Ўзбек халқлари ўртасидаги қардошлик ришталарини мустақамлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ҳиқмат Четинга миннатдорлик изҳор этди. Турк халқига барча соҳаларда муваффақият тилади.

Ҳиқмат Четин Туркия раҳбарларининг саломини етказар экан, икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларни муваффақиятли ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Иттиқосдий, сиёсий ва маданий соҳалардаги яқин ҳамкорлик яқин натижалар бераётганини таъкидлади. Айни пайтада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳусусида сўзлади. Туркияликлар Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ислохотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётиб, деди Ҳиқмат Четин.

Қабул маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эрдўгон Айтуғ мамлакатимиз президентига ишонч ёрлигини топширди. Ислам Каримов элчинини Ўзбекистонда фаолият бошлаётганлиги билан табрик-

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОВ ЭРДУҒОН АЙТУН



1935 йил 10 майда Ускудар шаҳрида туғилган. 1962 йилда Анқара университетининг сиёсий фанлар факультетини тамомлаган. 1964 йилдан бери дипломатик хизматда. 1962—1964 йиллар — ҳарбий кучлар сафида хизмат қилган. 1964—1967 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида унчинчи, иккинчи котиб. 1967—1970 йиллар — Туркиянинг Нидерландиядаги элчихонасида иккинчи, биринчи котиб. 1970—1971 йиллар — Туркиянинг Ироқдаги элчихонасида биринчи котиб. 1972—1974 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида биринчи котиб, иқтисод ва сиёсат бўлими мудири. 1974—1978 йиллар — Туркиянинг Эрондаги элчихонасида маслаҳатчи. 1978—1980 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири. 1980—1984 йиллар — Туркиянинг Ватикандаги элчихонасида маслаҳатчи, маслаҳатчи вакил. 1984—1986 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида маданият масалалари бўйича бўлим мудири. 1986—1989 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлиги маданият бошқармаси бош директорининг ёрдамчиси. 1989—1994 йиллар — Туркиянинг Катар давлатидаги элчиси. Француз тилини мукаммал билди. Уйланган, икки фарзанди бор.

ҚОНУНГА ҚАСАМЕД ҚИЛИШДИ

«...Ўз вазифани ҳалол, виждонан адо этишга, одил судловни амалга оширишда фақат қонунга бўйсунингга қасамд қиламан». 29 апрель кунини республика Олий суди пленуми ўтаётган залда бу сўзлар қайта-қайта такрорланди. Янги сайланиб, республиканинг суд идораларида ўз вазифасини бажаришга киришган судьялар Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мустақил давлатимиз байроғи остида Конституция ва адолатга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамд қилдилар.

ҚОНУНГА ҚАСАМЕД ҚИЛИШДИ

Тантанада сўзга чиққан Олий суд раиси У. Мингбоев ислохотларни амалга оширишда, ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишда, бугунги кунда Президентимиз, мамлакатимиз раҳбарияти илгари сураётган вазифаларини амалий ҳал этишда суд органларининг аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Пленум ўз ваколатига мувофиқ вилоят судлари ҳайъатлари раёсатлари таркиби ва раёсатларини тасдиқлади. Ҳозирги пайтада ишлаб чиқаришда бўлган бир қанча муайян ишлар, шунингдек республика Олий суди ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЭКОЛОГИЯ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Навоий вилоятининг табиати, суви ва тупроғи экологик

Узоқ йиллар давомида ёшлар ташкилоти тарихида тупланган ижобий жиҳатларни унутмаслигимиз керак. Масалан, талабаларнинг қурилиш отрядлари мўҳим аҳамиятга эга. Кўпгина олий ўқув юрлари ҳозир шаҳар қўмитасига мурожаат қилиб, талабалар қурилиш отряди ҳаракатини тиклашни таъкид қилмоқда.

Яқин вақт ичида шаҳар қўмитаси ҳузуридаги мактаб корхоналари уюшмалари ишини янги бошқичага олиб чиқмоқчимиз. Бунинг учун шаҳар халқ таълими бошқармаси билан куч-гайратини бирлаштиришимиз зарур.

Шаҳар қўмитаси яқин вақт ичида амалга оширишни кўзда тутаётган дастур ана шундан иборат. Уни бажариш учун замин тайёрлаб қўйилган. Шаҳардаги катта корхоналарда ёшлар жамғармалари ишлаб турибди, уларнинг маблағи биринчи навбатда еш ходимлар ҳамда уларнинг оналарини ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда. Кўпгина бошланғич ташкилотлар ҳузурида барпо этилган ёшларнинг ҳўжалик ҳисобидаги бирлашмалари ҳам шу мақсадга хизмат қилди. Иттифоқимизнинг туман қўмиталари ҳузурида ёшларнинг қизиқишлари бўйича клублар фаол ишламоқда. Бизнинг кўпгина ташаббусларимизни шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватлаётганини кўриб чиқилди. Бу — режалаштирилган ишларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги, муштарак мақсадимиз — еш авлодининг эртанги кунини катта вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган кучли ва муносиб кишилар қилиб тарбияланган хизмат қилишга гаровдир. А. ИВАНОВА Сўхбатлашди.

ЭКОЛОГИЯ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Навоий вилоятининг табиати, суви ва тупроғи экологик

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ: СОХТА ДОЛЛАР!

Бухоролик нафақахўрлардан бири 78 миллион сўмга валюта сотиб олиб, қаттиқ пайд бўлди. Унга бир неча бой-лам сохта АҚШ долларини туқазиб кетишди. Қария ордан анча вақт ўтиб, ички ишлар бўлимига мурожаат этди. Ҳозир жиноятчилар қидрилмоқда.

Тергов идоралари мўйсафид катта миқдордаги пулни қардан олгани, нима сабабдан уни қонунга ҳилоф усулда айирбошламоқчи бўлгани, сохта долларнинг мамлакатимизга «таширфи» сабабларини ҳам ўрганишмоқда.

Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири.

«Юлдузча»нинг юлдузчаси



Болаликдаги ҳавас, меҳру муҳаббат ўзига бўлади. Зилола ёш бўлишга қарамай, радио, ойна — жаҳонда янро этилатган куй-қўшиқларни, рақсларни мароқ билан тинглаб, тамоша қилиб ўзи мустанд равишда машқ қиларди. Қиздаги бу ҳаракатни эсимдан қузатиб юрган ойиси Мукаррам она Зилолани «Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиети маркази»нинг «Юлдузча» хореография ансамблига олиб борди. Зилола эйдигана олти ёшга қадам кўйдди. Ансамбль раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эрнот Мухаммедова қизалоқнинг истеъдод, маҳоратини кўриб:

— Мукаррамхон қизингизни бугундан бошлаб, гуруҳимиз тугарагига қабул қиламиз. Бундай иқтидорли ёшлар камдан-кам учрайди, — деди.

Зилола машғулота қатъий бўлади. Мен Эрнотнинг она билан машғулот ўтказилган жараёнда учрашиб, суҳбатлашдим.

«Юлдузча» ансамблимида 50 нафар қиз иштирок этади. Улар учта: катта, ўрта, кичик гуруҳлардан иборат. Болалар билан ҳар кун машғулотни алоҳида олиб боради. Ансамблини 1988 йили ташкил этганимиз. Лекин ансамблимиз жамоаси ёш бўлишига қарамай, анча таърибга эга. Жумҳуриятимизда бўлиб ўтган кўпгина анжуман ва фестивалларда ҳам фаол иштирок этиб, го-блинни кўлга киритишган. Ансамблимиз дастурида жаҳон халқлари ва ўзбек миллий халқ ўйинларининг йиғирмадан ортиқ тури ўрин олган.

Эрнотнинг онанинг эл назарига тушган шогирдлари ҳам кўп. Жумладан, Қ. Дўстмухамедова, Л. Хасанова, Г. Каримова сингари санъаткорлар онадан санъат сир-

ДЎМБИРАГА ЖЎР ОВОЗ

Навий шахрида вилоятнинг узон ва яқин туманларидан келиб ўқитган ёшлар бор. Шунингдек янча ва зиддилар ҳам. Уларнинг кўпчилиги ижараларда яшашди. Биз ўзбек ва қозоқ йиғитлари бир хонадонда яшарди. Биргаликда чой ичиб, ҳангомалашиб, билдирганлар дўмбира, гитара чертиб

Саулиши жанни қуралаймай, Мулдиран кўзег турай аймай. Мангиллик менинг Басида ийи сурана ймай.

Улан тугагач, ҳамма йиғитлар бир пай ўй суриб қолишди. Умуман қозоқ йиғитларининг барчаси санъат ихлосманди. Менда уларнинг энг хушовози бўлган «қозоқ булбули» Сағатбек билан суҳбатлашиш нияти пайдо бўлди. — Сағатбек, дўмбира чертишни қачон ўргангансиз? — Стозингиз ким?

— Тозагул опам дўмбира чертишни ўргатди. Бизда ҳар бир уйда дўмбира бор. Опул тўйлари дўмбирасиз ўтмайди.

Мақтабимизнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шерали оға Райимбеков ҳам санъатга, ҳам рус тилига бўлган қизиқиш ва ҳавасини билдирибди. У кишидаги меҳр ва ихлос менга ҳам юқди, саз чертишга иштиғим ортди.


— Устозингизнинг қайси хислатлари сизга кўпроқ ёқди?

— Шерали оға хушмуомала ақлли, ўқувчини тушунади.

— Сағатбекнинг ўзида шу хислатлар мавжуд. У илоҳида камтар, ақлли, ва ҳоширавоб йиғит. Олег Кошовой номли II-урта мактабда ўқиган. Мактаб директори жуғрофия фани ўқитувчиси Тиллабой Юсупов унга ўхшаган фан ва санъат ихлосмандларига ҳаммиша оқ йўл тилаб келган. Сағатбек ҳозир «Навий» Давлат педагогика институтининг миллий мактабларида рус тили ва адабиётини ўқитиш факультетида туртинчи йил сабоқ оляпти. Унингнинг интилуҳи, билимдон ва ўртоқларига нисбатан меҳрибонлиги билан олий ўқув юртида ҳурмат қозониб келмоқда.

Биз Сағатбек Исмайлорга ўқиб ва ишларида муваффақият тилаймиз. Санъат ҳаммиша ҳамроҳинг бўлаверсин, «чўл булбули»!

Жалолиддин ХУШНУД.



Яқинда мамлакатимиз пойтахтида жойлашган Амрико Қўшма Штатлари элчихонасида АҚШ ахборот агентлиги ҳамда «Уорлден» телетармоғи ўзаро ҳамкорликда халқаро телекўрсаткиш ўтказишди. Унда Бухарест, Анқара ва Тошкент бир-бири билан боғланди. Туркия, Руминия ҳамда Ўзбекистонга оид кўплаб саволларга мутахассислар жавоб бердилар.

Ўтказилган бу телесуҳбат «Уорлден»нинг компьютерлар ёрдамида тўридан-тўғри халқаро алоқалар ўрнатилгандаги биринчи уринишидир. СУРАТЛАРДА: телекўрсаткишда кўринишлар.

Р. ШАГАЕВ суради. (ЎАА).

МИЛЛИЙ СПОРТ УЙИНИЛАРИ ОЛИМПИАДАСИ

Жиззах вилоятининг Форш туманида миллий спорт уйинлари бўйича биринчи вилоят олимпиадаси бўлиб ўтди. Мусобақа дастурига кишидаги топқирликни ривожлантирадиган, кучига-куч қўшиб, элчиликни, маҳоратини оширадиган, тўққизта қадимий халқ ўйинлари киритилган эди.

Максим Горький номидаги маҳаллий мактаб ўқувчилари мажмуур олимпиаданинг го-блинлари бўлишди. Ун нафар ўғил бола ва беш нафар қиздан иборат команда осон бўлмаган дастури билан рақибларга қаршилик билан мусобақасида ўз вилояти номидан қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Бу олимпиада ҳам май ойида Форш туманида ўтди.

Мусобақа тугагач, биринчи республика олимпиадасини ўтказиш бўйича ташкилий кўмак ва йиғилиши бўлди. Унинг дастури кенроқ — миллий спорт уйинларининг тўққиз тури бўйича мусобақалардан ташқари, юк кўтариш, фарғонача ва буржорча усулда кураш бўйича ҳам беллашувлар бўлади. (ЎАА мухбири).

(Боши 3-бетда).

миллат ва адолатли тўғри ишларнинг ҳомиёси Султон Улуғбек бин Шохрўх бин Амир Кавбир Темур Кўрагон тағри салтанатини давом эттирсин, ишларни икки дунёнинг юксак мартабалирига кўтарсин ва олам ахлига марҳамат ва ахшиликни кўпайтирсин. Ҳижри 822 й.

Иккинчи қаторда эса: «Султонлар улугининг топшириғига биноан бу супа тозалик ва равшаниликда жаннат суларининг шаклида бини қилинган ва унинг зеб-зийнатда ҳашаматли ажойиб биноси ва саҳилари унга келувчи ҳар бир илм-маърифат талабаси учун бағишланган (улар бу ерда) динда фойдали илмларнинг ҳақиқатини бир-бирлари билан муҳокама қилишадилар», — деган сўзлар битилган.

Вакт ўтиши билан қор, ёмғир ва зилзилалар таъсиринда бу улугвор бинолар аста-секин емирила бошлаган. Жумладан, 1870 йилда бўлган зилзилада миноралардан бири кулаб тушган. 1897 йилги зилзиланинг ҳам биного салбий таъсир бўлди. Мадрасанинг қийсийиб кетган шимолий минораси 1932 йилда ўрис муҳандиси И. Маурз лойиҳаси асосида, жанубий минораси эса 1965 йилда москвалик муҳандиси И. Гендель томонидан қайтадан мустаҳкам қилиб тикланди.

Самарқанднинг Регистон майдонига жойлашган Шердор мадрасаси ҳам ўзининг қурилиш меъморий услуби ҳамда сирок қосинилару жимжимодор ёзувлари ва рангоранг безаклари билан кишини ҳайратга солади. Бу мухташам бино қарийб 17 йил (1619—1636) мобайнида Самарқанд хокими Ялантуш Бадрихон буюрғун билан ўз даврининг машҳур меъмориси уста Абдужаббор курган. Бинонинг баҳайбат пештоқига шерлар ва ёвойи эчкиларнинг сурати солинганлиги учун бу мадраса Шердор номи билан юртилади.

Олтин сайлак берилиб ишланган Тиллоқор мадрасаси ҳам (1647—1660 йиллар) гулдор ва хилма-хил нақшлар билан безатилган ҳашаматли меъморчилик ёдгорлиги ҳисобланади.

Лекин, халқимизнинг асрлар мобайнида вужудга келтирилган бу маданий меросига бўлган муносабат XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида бутунлай бошқача эди. Чор ҳукумати Самарқандни босиб олгандан (1868 йил) кейин маҳаллий аҳолига ўзларини

БЕБАҲО ЁДГОРЛИКЛАР

нинг «яхши»ликларини кўрсатгандай бўлиб, Шох-Зинда мақбаралар туркумига кирадиган Амрзода, Шоди-Мулк, Бибиҳоним масжиди, Турки Амир ва бошқа тарихий ёдгорлик биноларини қисман сақлаш ва таъмирлашга киришган бўлсаларда, аслида босқинчилар бу жойлардан «ҳазина» излаб ҳамма жойини қовлашдилар.

Империя ҳукумати доираларининг вакиллари узок Туркистон ўлкасидаги қадимий ёдгорликларини сақлаш тўғрисида галмўрлик қилишни оқидан-оқиб қоралади. «Туркистон аҳолиси ўртасида тарихий биноларини тарқатишнинг ҳоҳати йўқ, чунки бу билан омманинг миллий онги ўзиниға ёрдам бермади», — деб айтилди. (Қаранг: Самарқанд тарихи, I-жилд, 392—393-бетлар).

ХАЛҚ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ тўплаш ва уларни сақлаш ҳақида Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилинганда эса, у «ўрта Осиёдаги қадимий маданиятни ўрганиш ва ёдгорликларини сақлаш фойдаларига эмас, балки зарарли, ёдгорликлар қанча тез йўқолса, рус ҳукмронлиги учун шунча ахшидир», — деб жавоб берган эди. (Қаранг: В. Н. Горталов. «Путевые очерки Туркестана». Москва, 1914, 131-бет).

Урта Осиё халқларининг тарихини яқин билдирган қадимийшунос олим профессор М. Е. Массон «ўрта Осиё миноралари тарихига оид» китобчасида (1933 йил) рус мустамлака маҳкамасининг ўрта Осиёдаги қадимий меъморчилик ёдгорликлариға бўлган муносабати тўғрисида тўхтаб қўйдиғиларини ёзади: «Бу борада айниқса 1913 йилда Туркистон генерал-губернатори Самсоновнинг Самарқанд ёдгорликларини томоша қилганда бўлиб ўтган воқеа жуда характерлидир. Уни кузатиб юрган қадимшунос В. Л. Вяткин (1869—1932 йиллар) генерал-губернатордан қулаётган санъат ёдгорликларини таъмир қилиш учун пул ажратишни илтимос қилган. Улка бошлиғи бу илтимосни қатъий рад этган ва у, рус давлатининг манфаати буларни сақлаб қо-

лиши эмас, аксинча кўпроқ ташлашни талаб қилиши керак, — деган. Генерал-губернаторнинг бу фикри унинг ёндағи кузатиб юрувчи малайларига жуда ёқиб тушган ва генералнинг адиотанти: «Бунинг учун замбараклар ўқидан фойдаланиш керак», — деб лўқма ташлаган.

Ота-боболаримизнинг юксак санъат намуналари бўлган ёдгорликларини таъмир қилишда ва уларга янги ҳаёт бағишлашда миллий меъморчиликимизнинг йирик билимдонлари Давлат мукофоти совриндорлари, меҳрумлар Жалоли ва Болта Жураевлар, Қули Жалилов, Шамсиддин Гафуров, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ҳомиёлари Уста Мирҳомид Юнусов, Абдунасим Гафуров, Иброҳим Шермухамедов, меъморчиликда катта таъриба ортирган уста Абдуқодир Бокиев, Махжид Солиев, Акрам Умировлар катта хизмат қилдилар.

Ҳозирги кунда эса машҳур халқ усталари Ҳамза номли Давлат мукофоти совриндорлари Анавар Қўлиев, Мирмур Абдураҳимов, Шамси Сайфиев, Абдугаффор Ҳақиқуловлар ажодларимиз ақл-заковати ва меҳнати билан бунёд этилган, неча-неча асрлардан бунён ўз сақолини йўқотмай келадиган ноёб обидаларни асраш ва бузилган жойларини вақт-вақти билан таъмирлашда жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Регистондаги биргина Улуғбек мадрасасини таъмирлашга 520 миллион сўм ажратилганлиги Фикримизнинг далилидир.

1949-моддасида «Фўқоролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдилар», — деб ёзиб қўйилган.

Зеро халқ мулкини — санъатини сақлаш ва уни келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Рашид БОЙТўЛЛАЕВ, «Ёдгорлик» жамаитининг аъзоси, санъатшунос.

ТИЛ БИЛГАН— ЭЛ БИЛАДИ

ЕКИ 47 ЕШЛИ ТАЛАБА БИЛАН СУҲБАТ

Талабаларнинг олтин давр дейишади. Чинданам, бу давр ёшларнинг энг сермаҳсул, сарғушаштларга бой бўлган бир фаслидир. Талабалар сафидан ўрни олган кимгадир 17 ёшда, кимгадир сел қоронғи насиб этаркан. Суҳбатдошимиз 47 ёшли талаба — Собиржон ТОҶИЕВ. Собиржон ака 1975 йили Тошкент Давлат Чет тиллар институтини тамомлаган. Янгийўл ноҳиясидаги 22-урта мактабда тарих фанидан дарс беради. Айни пайтда Низоми номидаги муаллимлар тайёрлаш институтини тарих факультетининг сирғи бўлим 3 курс толиби.

— Собиржон ака, озиғи сизнинг ёшнингиздаги талабани биринчи учраттишим. Битта касбни яна иккинчи марта касб қилиб олишингизга нима сабаб бўлган?

— Институтини тамомлаб биларга француз тилидан сабоқ бериб юргандим. Мақтабимизда тарих ўқитувчиси кам бўлганлиги сабабли менга шу фандан дарс соатлари беринди. Одамлар ҳам қизин, тарихчи бўлмас қандай дарс ўтати, деб гап қилишди. Шу гаплар туртки бўлиб, тарих факультетига

са керак. Улар имтиҳонларда сизга ён босишадими? — Ён босиш... Саземаган эканман, балким босишар.

— Олдин француз тилидан дарс ўтгансиз, энди эса тарихдан. Сизга ҳозир ўқувчиларингиз ким деб мурожаат қилишяпти?

— Даставвал қозоқ синфига дарс ўтганимда улар мени Собир оға дейишарди. Ўрис ўқувчиларини Собир Тожибоевич, ўзбеклар эса Собир ака, баъзан ҳазиллашди, талаба — домла дейишарди.

У киши жим қолди. Сукуват. Собир ака узокларга тикилди. 47 ёшли талабанинг юзларига ажини эл солибди. Сочларига оқ оралаган. Мангилдайди бир томчи тер. Талаба пешонасини тириштириб алланималарни хотирлайди. Мен у кишининг маъноли кўзларига боқиб, ўзига сирли бўлган ўйлар билан танишгандай бўлман. Бу ўйлар кишининг хаёлига келган, кимнингдир... Собир аканинг ўйлари бугун ва эртанинг келажаги ҳақида бўлса ажаб эмас.

— Бир нечта тилин биласиз. «Тил билган — эл билар», мақолига қаттиқ амал қиласиз, шекли?

У киши бу саволидан кейин мийғидага кулиб қўйди. — Шундай деса ҳам бўлади. Қозоқ тили она тилим, ўзбек тили — ватандошларим тили, ўрис тили — қардошлар тили ва сўнги француз тили мен беш йил қийналып ўрганган тил. Тил билган ҳеч замон зоримайди. — Таржимон бўлиб чет элларда ишлашни оруз қилганмишсиз?

— Ҳа. Аммо касбимни севганим учун орузларим орузлигича қолиб кетди. — Демак, ҳаётингизни мактабсиз тасаввур этолмайсиз, шундайми?

— Ҳа, шунчага ўхшайди.

Лайло КАРИМОВА.

Дилфуза ЮСУПОВА эл назарига тушганлардан. Д. Юсупова 1970 йилда Тошкентда туғилган. Пойтахтда 59—урта мактабни, сўнгра 1992 йилда Тошкент Давлат чет тиллар институтини рус тили ва адабиёти куллиётини тамомлаган. 1988 йилдан бунён сўхандонлик қилади. Биз Дилфузахонга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Сўхандонликка махсус ўқитилмайди, сиз қандай қилиб сўхандон бўлгансиз? — Институтининг I курсида ўқитган кезида сўхандонлар танловига конкурс эълон қилинди. Форуза опам «Борсанг голиб чиқшингизга ишонманам» деб ҳоли жониниға қўймас, дадамлар эса «Бу республика миқёсидаги танлов осон бўлмайди, агар эп-лаб кетишингизга, ўзингизга ишонсанг бор» дедилар. Шундай қилиб, танловда қатнашиб, босқинлардан ўтдим. Якуловичи 3-босқинда ҳам 50 дан зийд йиғит—қизлар қатнашган эди. Шулар орасидан

Дилдора Низомижоева, Вера Абрамова ва Шуҳрат Қоимовлар қаторида мен ҳам голиб деб, топилдим. — Телевизионда иш бошлаган дастлабки кунларингизни қандай хотирлайсиз, айниқса телевизиондаги илм чиқинишингиз! Ҳарқалай, осон келмагандир!

— Нимасини айтасиз, ҳа-жонли кунларни, ҳажонли дамларни эсдан чиқариб бў-ларканми. Дастлабки пайтларда таниқли сўхандонлар қаршида ўзимни жуда ёш ва таърибсиз сезиб улардан тортинардим. Бирок улар бағри кенг, мурауватли, меҳ-

рибон инсонлар экан, мендан ҳеч қачон керакли мас-лаҳатларини дарие тутмаганлар. Дарвоқе, сўхандонлар учун махсус дам олиш хоналари бор. Шу хоналарда таърибсизлик ҳаммасиларин билан касб сир-

ларига оид жуда кўп суҳбатлар қурганман. Мен уларни чин маънода устозларим дея айт оламан. — Сўхандонларга 1988 йил 25 август кунини қикқанман. Уша кун ҳечам ёдидан чиқмайди. — Сизни қизлар кўча-кўйда учратиб, таниб қолишса, ҳавас билан қарашса керак-а! — Қандайд ҳаммиша шундай бўлса. Транспорт ва метрода юрганимда кўпчилик қизлар баланд овозда, эшиттириб мен ҳақиқимда, гўёки жонсиз кўтир-чоқ тўғрисида гаплашадигандек беамалол суҳбатга берилардилар. Улар менинг кўнглимга

видан зўрға қочиб қутулдим. Мен бу билан қизларнинг барчаси менга шундай муносабатда демоқчи эмасман. — Сўхандонлик бевосита қизларга бориб тақалапти. Сизнинг ҳикоятингиз қандай?

— Ижобий. Умуман олганда қарши эмасман. Ҳар кимнинг ҳам дили тоза, кўнгли тўғри бўлсин. — Сиз кўпчилик концерт дастурларини олиб борасиз. Шу

аснода бевосита санъаткорлар билан учрашмасиз ва суҳбатлашасиз. Айтинчи, қайси санъаткорлар сиз учун қадрли?

— Кўпчилик санъаткорларни ҳурмат қиламан. Насиб Абдуллаевдек саҳнада ўқийдиган ижрокчи, мураббиа санъаткор аёл ҳақида қанча гапирсам ҳам оз. Юлдаш Абдуллаева эса фақат санъат учун яраган. Унинг санъати ҳар қанча таҳсинга лойик. — Бахт нима!

— Бахтин ҳар ким ҳар илп тушунадди. Мен Лев Толстойнинг «Ҳар ким ўз уйкада бахтли бўлиши керак» деган сўзига қўйилман. Чиндан ҳам инсоннинг, айниқса аёл кишининг бахти оилада. — Сўхандонлик учун ташаккур. — Сўхатдош: Дилфуза ДАМИНОВА.

Газета саҳифаланаётганда:

БИТТА ТОШБАҚА 20 ДОЛЛОР

Навбахор туманидаги «Гигант» жамоа ҳўжалигида тошбақа кўпайтириш цехи ташкил қилинганини эшитиб кўпчилик ёна ушалган эди. Қарангки, икки йилда тошбақалар сони 1,5 мингдан 6 мингга етди. Жониворларни кўпайтиришда ҳеч қандай сунъий йўлдан фойдаланилмади. Ҳўжалик маъмурияти Тошкентдаги биокомбинат орқали Польша ва Хитой давлатлари ишбилармонлари билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ 2 мингта тошбақанинг ҳар бири 20 доллардан уларга сотилади. — Биз тошбақа цехини ташкил қилиб, ҳеч бир қийинчилик қурмадик, — дейди ҳўжалик бошқаруви раиси муовини Шерали Эрмаатов. — Унга бор-йўғи уч киши биритилган. Шунингдек, бу иш ортиқча сарф харажат ҳам талаб қилмайди. Тошбақалар тўқиб ои тупроқ тағида ухлайди, икки ой табиатдан ўзи озикланади, фақат бир ой қўлдан емиш ейди. Дарвоқе, ҳўжалик тошбақалар учун 100 гектар ер ва йилнинг фақат май ойида 40 тоннага яқин хашак ажратган ҳолос.

Келгуси сонда:

- МИЛЛИОНЕР АЯ
- АДОЛАТНИНГ УМРИ БОҚИЯ



Вош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ
Тахрир ҳаяти: Одил ЕҲУБОВ, Бақдор ЖАЛОЛОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭРҒАШЕВ, Алишер ТЕШАБОВЕВ, Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Мухаммад АМИН, Ахрор АҲМЕДОВ, Рустам БОЙМУХАММАД, Зайниддин МАМАДАЛЛИЕВ—Вош муҳаррир ўринбосари, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зайниддин РИХСИЕВ—масъул котиб, Исом ҲАМРОВ.

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиесати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

Манзилимиз: 100011 Тошкент, Миллий йил 2-й. Нашр кўрсаткичи: 64607
Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.